

## Уй-жойни ижарага бериш шартномаси

№14/1

Қарши шаҳри

12.01.2022 йил

Биз, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қуйи Оброн қишлоғида доимий пропискада турувчи **Хушвақтов Жамол Бахтиёрович** СТИР:516443256 (паспорт серияси АА 3150685, Қашқадарё вилояти Қарши тумани ИИБ дан берилган) (бундан буён матнда Ижарага берувчи деб юритилади) бир томондан ва Қарақалпоғистон Республикаси Қунғирот тумани Қунғирот қишлоғида рўйхатга олинган **“Устюрт кидирув бурғулаш бошқармаси” МЧЖ** СТИР:202593358 (бундан буён матнда Ижарага олувчи деб юритилади) иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

### 1. Шартноманинг предмети

1. Мен, Ижарага берувчи мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган **Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар, Табассум МФЙ Ўзбекистон кучаси 227–уй 13-хонадонни** Ижарага олувчига вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига бердим, мен Ижарага олувчи ушбу уй-жойни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун қабул қилдим.

2. Ижарага берилган уй-жой қуйидагилардан иборат: Умумий фойдаланиш майдони: **90.52 м²** Яшаш майдони: **90.52 м²** бўлган (яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, санузел ва ҳоказо) ни ташкил этади.

3. Юқорида кўрсатилган уй-жой Ижарага берувчига Қарши туман Давлат нотариал идораси томонидан қайд қилинган уй-жойни олди-сотди шартномаси, қонун бўйича тегишли бўлиб, уй-жойни рўйхатга олинганлиги ҳақида рўйхатга олинган.

4. Ижарага берувчи юқорида кўрсатилган уй-жойни Ижарага олувчига **01.01.2022 йил** кунидан **31.12.2022 йилга** қадар муддатга топширади.

### 2. Ижара ҳақи

5. Ижарага берилган уй-жойдан фойдаланиш учун ижара ҳақи тарафлар келишувига асосан ҳар ой учун коммунал тўловлардан ташқари **3 000 000 (Уч миллион) сўмдан сўмдан**, умумий ижара ҳақи **36 000 000 сўмни** ташкил қилади. Ижарага олувчи ўтган (ёки жорий) ой учун тўловни ҳар ойнинг **15 санасига** қадар Ижарага берувчига тўлаши шарт.

6. Ижарага олувчи берилган уй-жойдан фойдаланиш учун ижара ҳақи тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузса Ижарага берувчи шартномани бир томонлама бекор қилишга ва ижарага берилган уй-жойни бўшатиб беришни Ижарага олувчидан талаб қилишга ҳақли.

### 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Мен, Ижарага олувчи ижарага олинган уй-жойни вазифасига мувофиқ равишда фойдаланишни, ўз ҳолатида сақланишини таъминлашни, уни яхши ҳолда тутишни ҳамда санитария ва ёнғиндан сақлаш қоидаларига тўлиқ риоя этишни, ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб туришни ўз зиммамга оламан.

8. Мен, Ижарага олувчи совуқ сув, электр энергия ва газдан ҳамда маиший чиқиндилардан фойдаланганлик учун, тўловларни ўз вақтида тегишли ташкилотларига қонун ҳужжатларида белгиланган тарифларда ва муддатда тўлашни ўз зиммамга оламан.

9. Мен, Ижарага берувчи мулк ҳуқуқи асосида тегишли мулкни ижарага берганлигим ва бунинг натижасида даромад олаётганим учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тегишли давлат солиқ хизмати органига тўлаб боришни ўз зиммамга оламан.

#### 4. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш

10. Ушбу шартнома талабларини лозим даражада бажармаган ёки бажаришдан бош тортган тараф қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

11. Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади, низо келиб чиққан тақдирда суд тартибида ҳал қилинади. Шартномани бекор қилиш ҳақида тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради.

Уй-жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга оила аъзолари биргаликда яшайди. Тарафлар келишган ҳолда исталган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Ижара шартномасини ижарага берувчи бир томонлама бекор қилишга ҳақли

#### 5. Яқуний қоидалар

12. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 129, 375, 397 ва 398-моддалари мазмун ва моҳияти биз тарафларга тушунарли.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 606-моддаси ва тарафларнинг келишувига асосан ижарага берилган уй-жойда **ишчи ходимлари билан биргаликда** яшайди.

14. Мен, Ижарага берувчи мазкур шартнома имзоланг унга қадар ижарага берилаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва ижарага берилиши тақиқланмаганлигини кафолатлайман.

15. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси давлат солиқ хизмати органида сақланади, қолган нусхалар тарафларга берилди.

#### Томонларнинг яшаш манзиллари:

**Ижарага берувчи:**

Хушвақтов Жамол Бахтиёрович

**Яшаш манзили:** Косон тумани

Қуйи Оброн қишлоғи

Имзо \_\_\_\_\_




**Ижарага олувчи:**

“Устюрт кидирув бурғулаш бошқармаси”  
МЧЖ

**Яшаш манзили:** Қунғирот тумани

Имзо \_\_\_\_\_





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Кўчмас мулк ижара шартномаси ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида

### ГУВОҲНОМА

12.01.2022

ID 255444

#### Ижарага берувчи тўғрисида маълумот

**ЖШШИР:** 32509882630075  
**Ф.И.О:** XUSHVAQTOV JAMOL BAXTIYOROVICH  
**Рўйхатга олинган манзили:** QARSHI SHAHRI G. QARSHI TABASSUM (1-CHI MITTI TUMANI) ISLOM KARIMOV (UZBEKISTON) D 227 KV.13, 227, 13  
**Яшаш манзили:**  
**Телефон рақами:** 998912146707  
**Коммунал тўловлар:** \* Табиий газ \* Электр энергияси \* Иссиқ сув \* Сувук сув

#### Ижарага олувчи тўғрисида маълумот

**СТИР:** 202539358  
**Юридик шахснинг номи:** "USTYURT QIDIRUV-BURG'ULASH BOSHQARMASI" MCHJ  
**Юридик манзили:** QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI, QO'NG'IROT TUMANI, QO'NG'IROT, NAVOVIK  
**Фаолият кўрсатиш манзили:**  
**Телефон рақами:** 998913121200  
**Коммунал тўловлар:** ✓ Табиий газ ✓ Электр энергияси ✓ Иссиқ сув ✓ Сувук сув

#### Ижарага берилган кўчмас мулк тўғрисида маълумот

**Кўчмас мулк объектининг кадастр рақами:** 18.15.01.02.03.0238.0001.029  
**Кўчмас мулкнинг тури:** Турар  
**Кўчмас мулкнинг жойлашган манзили:** Табассум МСГ, ул. Ўзбекистон, дом 227, кв. 13  
**Кўчмас мулк объектининг умумий майдони:** 90.52 м<sup>2</sup>  
**Кўчмас мулк объектининг ижарага берилган майдони:** 90.52 м<sup>2</sup>  
**Кўчмас мулк объектининг ижарага берилиши:** Тўлиқ  
**Ижарага берилган муддат:** 01.01.2022 - 31.12.2022  
**Ижара мақсади:** Бошқалар,  
**Бир ойлик ижара ҳақи тўлови (сўмда):** 3000000  
**Ижара ҳақининг умумий суммаси:** 36000000

Кўшимча шартлар:



Маълумотнинг ҳаққонийлигини текшириш учун QR-кодни сканер қилинг!

№ 255444

12.01.2022 17:49:50

**ЎБОРИЛГАН**

XUSHVAQTOV JAMOL BAXTIYOROVICH

№ 255444

12.01.2022 17:51:04

**ТАСДИҚЛАНГАН**

AHMADJON SEYTMURATOV NARBAYEVICH